

Ishonch

2019 йил 20 август • сешанба • № 101 (4230)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси наشري • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қорақалпоғистон Республикаси

Ислохотлар самараси

Ўз брендини яратаётган Мўйноқ

Туман марказида деярли ҳар куни янги объект фойдаланишга топширилмоқда. Авваллари бу жойга келган киши фақат «кемалар қабристон» ва музейни томоша қилиш билан чегараланган бўлса, бугунги кунда кўпга диққатга сазовор жойлар билан танишиши мумкин.



Мўйноқдаги ҳозирда «Кемалар музейи» деб номлана бошлаган жойда антиқа селфи объект ўрнатилган. Эски кемаларни кўриш учун келган сайёҳ энди Мўйноқдан Берлинга, Лондонга ёки Рио-де-Жанейрога қанча масофа борлигини билиб олиши мумкин. Мўйноқ туманида «Балиқчининг уйи»

номли янги хостел ўз фаолиятини бошлаган. Туман марказида ташкил қилинаётган «Хунармандлар аллеяси» келгусида машҳур жойга айланиши айтилмоқда. Шу билан бирга, ҳудудда QR коди орқали электрон китоблар базасига бепул кириш имкониятини берувчи стендлар ўрнатилмоқда.

«Бахт ўрни», «Харита ўриндиқ» ва «Гилам ўриндиқ» каби ғайриоддий ўриндиқлар шу йилнинг қиш ойларида топширилган дастлабки селфи объектлари бўлган бўлса, яқинда фастфуд таомларини тайёрлайдиган сайёр тамаддихона ҳам ишга тушди. Яқинда фойдаланишган топширилган

«Мўйноқ текстиль» корхонасида 300 дан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Ўзида миллийликни уйғунлаштиргани билан алоҳида эътиборга сазовор бўлган «Давлат хизматлари агентлиги» объекти ҳам сайёҳларни ўзига чорлаши табиий. **Есимхон ҚАНОАТОВ,** ЎЗА муҳбири.



КУН НАФАСИ

Президент «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорга имзо чеқди. uza.uz

«Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиналари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. «Хўқўқий ахборот» канали

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси жорий йил 23 август кунини Тошкент шаҳрида чақирилади. kun.uz

«Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳри бўйича 10 та мактаб реконструкция қилиниб, 40 таси капитал таъмирланади. Бу ишлар учун жорий йил якунига қадар қўшимча 400 миллиард сўмлик маблағ ажратилади. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб юқори синф ўқувчилари учун «Еш педагог синфлари» ташкил этилади. «Хўқўқий ахборот» канали

Мухторхон Тошхўжаев Миллий Паралимпия ассоциациясига раҳбар этиб тайинланди. uza.uz

Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки мамлакат ташки сибат идоралари раҳбарлари бир-бирларига табрик мактубларини йўллади. **ТИВ матбуот хизмати**

Мустақиллик байрамида ҳафтасига 5 кун ишлайдиганлар – 31 августдан 3 сентябргача (4 кун), ҳафтасига 6 кун ишлайдиганлар – 1-2 сентябрь кунлари (2 кун) дам олади. kabar.uz

Ҳиндистоннинг Жайсалмер шаҳри яқинидаги дала-ўқув майдонида ўтказилган «Кўшин разведкаси аълочилири – 2019» мусобақасида юртимиз вакиллари иккинчи ўринни эгаллади. uza.uz

Ядровий энергия департаменти бош директори ўринбосари Михаил Чудаков бошчилигидаги Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) делегацияси Тошкентга келди. **ТИВ матбуот хизмати**

Пойтахтимиздаги Инха университетиде Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «ITWomenUz» – хотин-қизлар инновацион ойлиги бошланди. uza.uz

Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинаётган «Dance Music Fest» мусиқий фестивали бу сафар «Ашқобод» маданият ва истироҳат боғида ташкил этилди. **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати**

26-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалининг янги логотипи тасдиқланди. gazeta.uz

Беларуснинг Минск шаҳрида тезкор шахмат ва рапид бўйича кадетлар ўртасида III жаҳон чемпионатида юрдошимиз Афруза Ҳамдамова 10 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида жаҳон чемпиони бўлди. Руқия Олимова эса 8 ёшгача бўлган қизлар ўртасида кумуш медални кўлга киритди. **Ўзбекистон шахмат федерацияси матбуот хизмати**

Бирдамлик намоиши

Дахлдорлик туйғуси билан...

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйи арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари юртдошларимизнинг жипслиги, бирдамлиги ва аҳиллигини намоён этди

Ободлик ва бунёдкорлик акс этган эзгу тадбирда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ахборот хизмати маълумотларига кўра, 13 миллион 800 минг нафардан зиёд фуқаро, шундан 7 миллион 809 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Икки кун давомида 26 минг гектардан зиёд майдонлар ободонлаштирилди ва тазаланди. 50 минг тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб ташланди. 25 минг километрга яқин узунликдаги ариқ ва лотоклар тазаланди. 13 мингга яқин кам таъминланган оиланинг 388 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 13 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила, шундан 5 минг нафардан зиёд ногирон ва ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий кўмак кўрсатилди. Кўпга ижтимоий объектлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ ҳашари қизғин ўтди. **Қорақалпоғистон Республикаси.** Умумхалқ хайрия ҳашарида 1 миллион 348 минг нафардан кўпроқ қорақалпоғистонликлар аҳиллик билан



иштирок этди. Хусусан, 808 минг нафарга яқин ёш ўзлари истиқомат қиладиган манзилларда эзгу тадбирга камарбаста бўлди. Ҳашар давомида 2012 гектар майдонда ободонлаштириш юмушлари

бажарилиб, 1914 тонна чиқиндилар белгиланган жойларга ташиб кетилди. 281 та қабристон ва 43 эйратгоҳ ҳамда муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. **4**

Фарғона вилояти

«Энди фақат «аъло»га ўқийман»

Фарғона шаҳридаги «Аҳмад ал-Фарғоний» истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги ҳамда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан таълим тизимида ишловчи эҳтиёжманд оила фарзандлари ва боқувчисини йўқотган ўқувчилар учун байрам тадбири ташкил этилди. Унда шахар ва туманлардан 114 нафар ўқувчига 16 турдаги ўқув қуроллари ва мактаб сумкалари топширилди. – Менга ўқув қуроллари билан тўлдирилган мактаб сумкасини совға қилишди,

– дейди Олтиариқ туманидан келган Арофатхон Мамадиева. – Энди фақат аъло баҳоларга ўқийман. Шунингдек, тадбир давомида болажонларга Фарғона вилоят кўғирчоқ театрида «Лайлакча ва кўриқчи» деб номланган томоша намоиши этилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Лолахон АҲМЕДОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Хоразм вилояти

Ҳар бир ишловчи манфаатдор бўлиши шарт

Биз ҳар доим «ходим ишга соғ-саломат келиб, уйга омон-эсон қайтиши керак» деб такрорлаймиз. Бунинг учун аниқ чоралар кўриб, уларнинг оғишмай бажарилиши ҳаракати бўлади. Йилнинг ўтган даврида вилоятимиз бўйича бу борада режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун 3 миллиард 631 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Мен нега сўзимни меҳнат муҳофазасидан бошладим? Бойси, барча сазй-ҳаракатларимизнинг пиروвард натижаларидан бири айнан ходимларга яратилган шароитларда кўзга ташланади. Қасаба уюшма етакчиси кучли, фаол, ташаббускор бўлган ташкилотда ходимлар хавфсиз шароитларда фаолият кўрсатиши алақачон исботини топган.

2

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

Qashqadaryo
БИР МАҲАЛЛА: КИМДИР УЙИДА ТИҚУВЧИЛИК ЦЕХИ ОЧГАН, БОШҚАСИ ИШИРИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА

ЖАМИЯТ
ТАҚДИМНОМАЛАР ОХИРИ «САМАРА» БЕРДИ

Mahalla
«РОҲАТ» КЎЛИ ЎРНИДА «ВАХТ СИТУ» ҚАД РОСТАЙДИМИ?

Oila va Jamiyat
ESKI DARDNING YANGI DAVOSI TOPILADI(MI)?

Marifat
RADDIYA HUQUQI VA MADANIYATI

OILA DAVRASIDA
СИРДАРЁДА ЯШИРИН УЧ СИР ЁХУД ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМЕРИКА

HAYOT KO'ZGUSI
«ФАЗИЛАТ ХОНИМ ВА ҚИЗЛАРИ» СЕРИАЛИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАМИ? ЁХУД МАЪНАВИЯТ КУШАНДИСИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН «ҚАХРАМОНЛАР»

41 Тасарруфимиздаги ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 1659 нафар вакил сайланган бўлиб, уларнинг 1040 нафари махсус курсларда ўқитилди. Эндиликда улар ўз зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилаётганини кўряпмиз. Улар меҳнат муҳофазасига оид 15 та камчилик аниқлашган. Шундан 12 тасини иш берувчилар бартараф этган. 278 та бошланғич ташкилотда уч бошқичли маъмурий-жамоат назорати ўрнатилгани ҳам меҳнат муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг аксариятида ходимлар иш берувчининг қароридан норозиликни билдирган. Улар қонуний асосда ўрганиб чиқилиб, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари номига 27 та тақдимнома киритилди. 53 нафар ходимнинг ишга тикланиши ва 105.000.000 сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирилишига эришилди. Судга киририлган давво аризалари оқибатида 19 нафар фуқаро ишга тикланиб, оилка маошлари ундириб берилди. Касабақўм етакчиси жамоанинг нафақат кўзи ва қўлиги,

жараёнда касабақўм етакчиси биринчи навбатда эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида тушунириш берилмоқда. Етакчилар маҳоратини ошириш орқали нималарга эришмоқдамиз? Жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёزلардан ходимлар қанчалик манфаатдор бўлмоқда? Нодавлат мулк шаклидаги 76 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 26 нафар болали аёлларга оилка маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтага 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланиши жорий этилди. 553 та

дорида рағбатлантирилди. 286 та корхонада 612 нафар ишлармайдиغان пенсионерларга 79 миллион 525 минг сўмлик кў-



Даврон АЛЛАҚУЛИЕВ, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

ришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Йилнинг биринчи ярмида 558 нафар ўрнига 591 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторий йўланмалари билан таъминланди, шундан 549 нафар ходимга имтиёзли, 39 нафарига бепул тарзда ажратилди. Қолаверса, касаба уюшма маблағлари ҳисобига 530 нафар ишчи-хизматчилар ҳамда 115 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзоларига имтиёзли йўланмалар берилиб, санатор-курортларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаларига асосан иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан 20 нафар ишчи-хизматчилар, 7 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда 4 нафар ташкилотда ишлаб пенсияга чиққан меҳнат фахрийларга имтиёзли йўланмалар берилди.

Биз касаба уюшмалари кўмагидан, жамоа шартномаси имкониятларидан ҳамма ишловчилар баҳраманда бўлишини истаимиз. Шу мақсадда вилоятдаги фаолият кўрсатаётган юридик шахслар рўйхати шакллантирилиб, уларни касаба уюшма хизматида олиш режаси ишлаб чиқилди. Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида биргина июнь ойида 149 та ташкилот касаба уюшмалари хизматида жалб этилди, 1460 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Шу кунларда қизгин муҳокама қилинаётган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатнинг энг йирик жамоат бирлашмасининг мавқеини янада мустақамлашга, қолаверса, ҳар бир ишловчининг асло иложли йўқ, Хоразмнинг экологик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ходимларни санаторийларда соғломлашти-

ришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Йилнинг биринчи ярмида 558 нафар ўрнига 591 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторий йўланмалари билан таъминланди, шундан 549 нафар ходимга имтиёзли, 39 нафарига бепул тарзда ажратилди. Қолаверса, касаба уюшма маблағлари ҳисобига 530 нафар ишчи-хизматчилар ҳамда 115 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзоларига имтиёзли йўланмалар берилиб, санатор-курортларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаларига асосан иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан 20 нафар ишчи-хизматчилар, 7 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда 4 нафар ташкилотда ишлаб пенсияга чиққан меҳнат фахрийларга имтиёзли йўланмалар берилди.

Сирдарё вилояти Қонун лойиҳаси муҳокамада

Менда таклиф бор



Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими ўринбосари Отабек Абдуғаниев ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудирини Маҳмуджон Исоев, касаба уюшма фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда касаба уюшмалари 1992 йилда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва ҳуқуқматнинг айрим қарорлари асосида фаолият юритмоқда. Тушунча ва меъёрларга аниқлик киритиш, ишчи-ҳодимлар манфаатини тўлиқ ҳимоялаш ва тартибга солиш эҳтиёжини қонун лойиҳаси яратилишига сабаб бўлди. Қолаверса, ўтган вақт мобайнида Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларининг қабул қилиниши ҳам янги қонунга эҳтиёжни пайдо қилди.

Лойиҳа юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шириной УМАРАЛИЕВА, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудирини

«Қонун лойиҳасининг 7-моддасида баён этилган «Ходимнинг касаба уюшмасига кирмаслиги ёки ундан чиқиши ҳақидаги ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади» жумласини чиқариб ташлаш таклифини бераман. Сабаби, Асосий қомусимизнинг 59-моддасида «ихтиёрий» деган сўз бор. Ўзини касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги сабабли камситилган деб ҳисоблаган шахс, камситишни бартараф этиш ва етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун судга мурожаат қилиши мумкин. «Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўқсинлик қилишга, шунингдек, уларни касаба уюшмаларига аъзоликка киришга мажбурлашга йўл қўйилмайди», деган жумла мазмуну лойиҳанинг 7-, 9-моддаларида бир хил маънони ифода этмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ, Гулистон давлат университети профессори:

«Қонун тили содда ва тушунарли бўлсин. Шу сабабли лойиҳани лингвистик жиҳатдан кўриб чиқиш керак. «Касаба уюшмалари инспекцияси» жумласини ҳам бошқачароқ аташ тарафдориман. Чунки айтилган пайтда инспектор тушунчаси кўп ҳолларда давлат ташкилотига мансублик билдиради.

Раҳматилла БИЛОЛОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин тумани кенгаши раиси: «Менинг эътиборимни 8-боб

торти. Бобнинг 53-моддасида «касаба уюшмалари ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этадилар» жумласига «... ва молиявий фаолиятини» бирикмасини киритишни таклиф этаман.

Саидбек ЯРИЕВ, «Сирдарё ИЭС» акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси раиси:

«50-моддага таклиф: «Касаба уюшмалари давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳодимларнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий суғурта, ақолини иш билан таъминлаш, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва соғлигини муҳофаза қилиш, санаторий-курортда даволаниш, фарзандларини болавер оромгоҳларида соғломлаштириш бўйича масалалар, шунингдек, устайда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун ўзаро алоқаларни амалга оширишга ҳақли», дея қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қонун лойиҳасига аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш бўйича янги моддалар киритиш лозим деб ўйлайман.

Эргаш БЎРИЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўлимида масъул ташкилотчиси: «Қонун муҳокамасига тайёрланиш чоғида тармоқ бошланғич ташкилотларида муҳокама қилиб, уларнинг таклифларини тўлашга ҳаракат қилдим. Қонун бандларида тақдорлар борлиги боис, ихчамлаштиришни таклиф этаман. Масалан, 19-моддада касаба уюшмаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисобга қўйиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сонини камайитиришни ўйлаб кўриш даркор. 16-модданинг 6-бандида «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек, иш берувчиларнинг раҳбарлари касаба уюшмасини, уларнинг бирлашмаларини тузишга ташаббускор бўлишлари, шунингдек, касаба уюшмаларининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас» дейилган. Мен «мумкин эмас» сўзини орттиқча деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, 64-моддада касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни бўзганлик учун жавобгарлик бўлиши ёзилгани билан у нималарда акс топиши бўйича тегишли изоҳ берилмаган.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Ҳар бир ишловчи манфаатдор бўлиши шарт

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега энди айрим иш берувчилар лоқайдлиги, қонун талабларини яхши билимаслиги оқибатида ходимлар ёки уларнинг оила аъзолари ноҳақ азият чекиши керак? Мана бир мисол: «Хоразм газ таъминоти» унитар корхонасида ишлаб, йўл автотранспорт ҳодисаси оқибатида вафот этган. Р.Жаббаровнинг турмуш ўртоғи бир йилдан бери ўзига тегишли зарар тўловларини ололмасдан сарсон эди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси судга давво аризаси киритгани натижасида унинг оиласига 192 миллион сўм миқдоридида мажбурий тўлов ундирилган бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Айримлар ҳанузгача «касаба уюшмалари санаторийга йўланма берадиган ташкилот», деган эскича қарашдан қутула олмапти. Биз куйида келтирадикан рақамлар бу фикрнинг қанчалик нотўғрилигини кўрсатади.

2019 йилнинг 6 ойи давомида бирлашма юридик бўлимда 117 та ариза ва шикоят

балки юраги ва виждони ҳамдир. Айнан шунга кўра ҳам у меҳнат муносабатларининг қонун талаблари асосида йўлга қўйилишини назорат қилиши зарур. Шу боис, биз бошланғич ташкилотлар етакчилари билим ва салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ташкилот қилинаётган масофавий ўқув курсларида уларга зарур билим ва кўникмалар берилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида 60 нафар бошланғич касаба уюшма кўмиталари раисларини малакаси оширилди. Бу жараён режа асосида давом этмоқда. Шу билан биргаликда, бирлашма масъул ходимлари 72 та бошланғич ташкилот, 41 та шахар, туман кенгашларига амалий ёрдам кўрсатишди. Бу

корхонада кам таъминланган 1108 нафар ёш оилалар вакиллари 220 миллион сўмлик кўмак берилди. 51 та корхонада ногирон фарзандини парвартириш қилаётган 57 нафар ота-онага 11 миллион 325 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб, корхона ва ташкилот равнақига катта ҳисса қўшган инсонлар меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Масалан, 197 ТА КОРХОНАДА 287 НАФАР пенсия ёшидаги ходимлар пенсияга чиқишидан олдин 96 МИЛЛИОН 693 МИНГ 500 СЎМЛИК бир йўла моддий ёрдам берилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

салан, 197 та корхонада 287 нафар пенсия ёшидаги ходимлар пенсияга чиқишидан олдин 96 миллион 693 минг 500 сўмлик бир йўла моддий ёрдам берилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Юбилей муносабатлари билан 211 та корхонада 261 нафар ходим 61 миллион 993 минг сўм миқ-

мак берилди. Байрамлар арафасида 126 та корхонада 177 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парвартиришга муҳтож кишиларга 25 миллион 826 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Буларга 3 ёшгача фарзанд тарбиялаётган аёллар, уй-жой қуриш ёки маиший техника олиш учун ажратилаётган фондиз кредитлар, фарзандларига ўқув қуроли олишга берилаётган ёрдам, таътил кунларининг ўзатирилганлиги ва бошқа қатор имтиёزلарни ҳам қўшимчиси мумкин. Умуман олганда, бугунги кунда жамоа шартномалари ўз фаолиятдан, жамоасидан рози бўлишини кафолатловчи муҳим ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, касаба уюшмаларининг ваколатлари нақадар кенглигини ва ушбу жамоат ташкилоти ҳар бир ишловчи учун кераклигини аниқлатади.

Яна бир муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталмасликнинг асло иложли йўқ, Хоразмнинг экологик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ходимларни санаторийларда соғломлашти-

ришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Йилнинг биринчи ярмида 558 нафар ўрнига 591 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторий йўланмалари билан таъминланди, шундан 549 нафар ходимга имтиёзли, 39 нафарига бепул тарзда ажратилди. Қолаверса, касаба уюшма маблағлари ҳисобига 530 нафар ишчи-хизматчилар ҳамда 115 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзоларига имтиёзли йўланмалар берилиб, санатор-курортларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаларига асосан иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан 20 нафар ишчи-хизматчилар, 7 нафар ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда 4 нафар ташкилотда ишлаб пенсияга чиққан меҳнат фахрийларга имтиёзли йўланмалар берилди.

Навоий вилояти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятларига кўмаклашиш мақсадида ўқув-анжумани ташкил этилди.

Анжуман Фаолият вазифалари таҳлил этилди

Тадбирда туман бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ролини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

Иштирокчиларга «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти батафсил таништирилди. Қонун лойиҳаси юзасидан йилганлар ўзларининг аниқ таклифларини айтишди. Тадбир якунида иштирокчилардан бир гуруҳига Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Дилафрўз УРЗОВА, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Фарғона вилояти

Таълим фидойилари санаторийларда

Айни вақтда Фарғона вилоятининг туман ва шахарларида ёш авлод вакиллари сабоқ бериб келаётган 135 нафар таълим фидойиси айни пайтда «Чимён», 80 нафарга яқин ўқитувчи «Зилло» сиҳатгоҳида ҳордиқ чиқармоқда.

— 32 йилдан буён ёшларга тарих фанидан дарс бераман, — дейди Риштон туманидаги 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фозилжон Асқаров. — Касаба уюшмалари ажратаётган имтиёзли йўланмалар асносидаги дам олишимиз эртанги фаолиятимиз учун пойдевор бўлди десам, янглишмайман. «Чимён»да дам олиб қайтгач, янгича куч, янгича гайрат ва шижоат билан ўқув йилини бошлаймиз.

— Касаба уюшмалари бизни доимо қўллаб-қувватлаб келади, — дейди Учқўприк туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳзодадон Аҳмаджонова. — Мана, яна касаба уюшмаси кўмагида «Чимён» санаторийсида керакли муолажаларни олапмиз. Бу ерда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, концертлар вақтимизнинг янада мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Шоҳимардон, Қўқон каби шахарларга саёҳатлар ҳам ташкил этилмоқда.

— Бошқа касб эгаларидан фарқли ўларок таълим фидойилари йилнинг июнь-август ойларида меҳнат таътилига чиқади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилот-

чиси Лолахон Аҳмедова. — Ўн ой давом этган иш жараёни, ақлий меҳнат ҳар қандай инсонни толиқтиради. Мақсадимиз — таълим жонқурларига муносиб меҳнат шартини яратиб бериш, саломатликларини мустақамлашдан иборат. Шунинг учун ҳам уларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратиб келяпмиз. Ҳозиргача вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 1400 нафар-




Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Касаба уюшмалари кўмагида



дан зиёд ўқитувчилари санаторийларда соғлиқларини мустақамлади.



Қашқадарё вилояти

Китобхонлик викторинаси

Яккабоғ туманидаги «Соҳибқирон» оромгоҳи «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» МЧЖга қарашли. Ушбу масканда ИЭС ходимлари ҳамда Қашқадарёдаги дон ва донни қайта ишлаш корхоналарида меҳнат қилувчи ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаради.

Бу йил оромгоҳда ҳордиқ чиқариш ўзгача мазмунда кечди. Президентимиз илгари сурган беш ташаббус мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган тадбирлар

ўғил-қизларнинг жисмонан ва маънан камолотга етишида муҳим аҳамият касб этиб, турли туман ва шахарлардан ташриф бурулган ўғил-қизларни қисқа вақт ичида

бир оила аъзоларидек бақамти бўлишларида жуда кўл келди.

Вилоят кўғирчоқ театри, сайёр цирк жамоасининг томошалари болажонларга янада завқ-шавқ улашди.

Китобхонлик викторинаси, турли спорт мусобақаларида ўзини кўрсатган ўқувчи ёшлар «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» МЧЖ касаба уюшма кўмитасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Анвар АШИРОВ, «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» МЧЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Тахлил

Бағрикенглик

«ШИРИН» хасталикнинг АЧЧИҚ асоратлари

Ёхуд қандли диабетнинг кўпайиши омиллари нимада?

Далил: маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 400 миллион нафар аҳоли қандли диабетдан азият чекмоқда. Мамлакатимизда эса 220 минг нафар фуқаро ушбу касаллик бўйича рўйхатга олинган. Тахлиллар 2030 йилда диабетга чалинганлар сони 550 миллион, 2040 йилга бориб эса 640 миллионга етиши эҳтимоли борлигини кўрсатмоқда.

Қандли диабет ва ошқозон ости қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши билан кечадиган буқоқ хасталиклари сурункали тусга ўтиб кетиши мумкин. Уларнинг асоратлари ногиронликка, ҳатто, ўлимга ҳам сабаб бўлади.

Айни пайтда мамлакатимизда қайд этилаётган ўлим ҳолатларига сабаб бўлувчи юрак-қон томир, онкологик касалликлардан кейин қандли диабет учинчи ўринни эгаллаган.

ТАХМИНЛАРДАН ОШИҚРОҚ(МИ?)

Мамлакатимиз ушбу касалликларга қарши кескин чоралар кўриш, профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 19 апрелдаги «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни тақомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари етарли имкониятлар яратмоқда.

Тахлил этиш имконини беради. Хусусан, Сирдарё ва Наманган вилоятлари аҳолиси ўртасида эндокрин касаллик-

Эрамиздан аввалги 1500 йилда Мисрда ёзилган тиббий – «Эберс папируси»да биринчи бор диабет тилга олинади.

ларни аниқлашга қаратилган скрининг текширувлари ўтказилди.

– Мазкур амалиётлардан сўнг Наманган ва Сирдарё вилояти аҳолиси ўртасида қандли диабетга чалинган фуқаролар сони тахминлардан кўра кўпроқ экани аниқланмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази раҳбари Анвар Алимов. – Ушбу вазиятдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қандли диабет билан рўйхатда турган фуқаролар текширувлар якунига етгач, 4-5 баробарга ошиши мумкин.

НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

Албатта, ҳар биримизда ушбу савол туғилиши табиий. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга, аввало,

Қандли диабет (лотинча diabetes mellitus) – эндокрин касалликларга мансуб бўлиб, инсулин гормонининг тўлиқ ёки қисман етишмовчилигидан келиб чиқади. Натижада қонда гипергликемия – қондаги глюкоза миқдорининг давомли ортиб бориши кузатилади.

Айнан ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилган ишлар таҳлили эса соҳада янги маълумотларни тўплаш ва

мамлакатимизда эндокринолог мутахассислар етарли эмас. Шу сабабли қандли диабет, болалар ва аёллар ўр-

тасида кўп учрайдиган қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ касалликларга қарши профилактик чора-тадбирлар ва уларни эрта босқичда аниқлаш ишларини етарли деб бўлмайди. Яна рақамларга мурожаат этамиз: яқин-яқинларгача ҳар 100 минг нафар фуқарога бир нафар эндокринолог мутахассиси тўғри келган.

Эндиликда бу кўрсаткични ҳар 30 минг нафар болага бир нафар ва ҳар 70 минг нафар катта ёшдаги инсон учун бир нафар эндокринолог ҳолатига келтиришга ҳаракат қилинмоқда.

ҚАТТИҚ КЎРҚСА, «САХАР» БЎЛАДИ(МИ?)

Мамлакатимизда қандли диабетга учраган 220 минг нафар беморнинг 3 минг нафарини 18 ёшгача бўлган ўсмир ва болалар ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатр эндокринологи Насиба Алимованинг айтишича, болалар орасида қандли диабетнинг биринчи

Диабетнинг биринчи клиник тасвифини Рим олими Аретеус бериб, у биринчи бор тиббиётга «диабет» терминини олиб кирган.

тури кўпроқ учрамоқда. У аутоиммун тизими ҳолати бузилишидан келиб чиқади.

Болалар ўткир вирусли касалликларга чалинганда ёки уларга қарши тўлиқ тўғри ва яхши даволамаганда ошқозон ости безидаги инсулин ишлаб чиқарувчи ҳужайралар шикастланиши мумкин. Қолаверса, бундай шамоллашларда бола иммунитетининг ҳам тушиб кетгани оқибатида инсулин ишлаб чиқарувчи ҳужайраларнинг қолган қисми ҳам аста-секинлик билан нобуд бўлади. Бу эса боланинг қандли



диабет касаллигига чалинишига сабаб бўлади.

Кўча-кўйда учрайдиган «Болаларнинг қаттиқ кўриб кетиши диабетни келтириб чиқаради» деган гаплар ҳали фанда исботланмаган, дейди мутахассис.

НАТИЖАЛАР БОРМИ?

2017 йилдан ушбу муаммо ечимини юзасидан ҳаракатлар бошланди. Ҳар бир ҳудудда қўшимча бўлган аналог инсулинни қандли диабетга чалинган болаларга бериш режалаштирилмоқда.

100 тадан эндокринолог штатлари очилди. Вилоятлардаги барча эндокринологик диспансерлар капитал таъмир ва реконструкциядан чиқарилди, айримлари эса қайтадан қурилди. Улар энг сўнгги русумдаги техника ва технологиялар билан

дрлар тажриба алмашинуви йўлга қўйилди.

ИНСУЛИН ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Юртимизда давлат томонидан касалликнинг биринчи – оғир турида беморлар 100 фоиз инсулин билан таъминланади. Иккинчи турида эса қисман (30 фоиз). Болалар учун шу пайтгача оддий инсулин тарқатилар эди. 2020 йилдан бошлаб юртимизда ҳам бутун дунёда қулай ва самарали бўлган аналог инсулинни қандли диабетга чалинган болаларга бериш режалаштирилмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, яқинда юртимизда инсулин ишлаб чиқариш бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, Андижон вилоятидаги фармзаводлардан бирида инсулин ишлаб чиқариш бўйича барча тажриба синовлар муваффақиятли якунига етди ва завод препарат ишлаб чиқаришни бошласа, инсулин таннархини тушириш борасидаги вазият янада яхшиланади.

Бугун «ширин» хасталикнинг олдини олиш ва уни даволашга доир кўпгина муаммолар ҳали тўғри ҳал қилинган бўлса-да, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва ташхис қўйишда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Қандли диабет билан навоҳли беморларнинг умрини узайтириш ва касалликни енгилаштириш масалаларида тиббиёт фани салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Энг муҳими, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга етарли эътибор қаратилмоқда. Бу эса ижобий самара бериши аниқ

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Эзгулик ДОЯСИ

Кечиримлилик ва бағрикенглик халқимизга хос олижаноб фазилат. Унинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топгани эса янада қувонарли. Қонунчиликдаги мазкур институт билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган инсонлар тақдирини ўчмас из қолдирмоқда.



Чунки бундай олижаноблик уларга қилмишга жазонинг муқаррарлигини таъминлаш баробарида келгуси ҳаёти учун муҳим хулосалар чиқаришига ёрдам беради. Бундан андижонлик Салима Содикова тимсолида ҳам кўриш мумкин.

Салима Содикова шу йилнинг 7 май кунини Тошкент халқаро аэропортининг юлларга мўлжалланган махсус лентасида турган фуқаро Робия Жумаевага тегишли юк сумкасини яширинча олиб чиқиб кетади ва унинг ичидаги қимматбаҳо буюмларни талон-торож қилади. Юк сумкаси йўқолгани билан Р.Жумаева эса бу ҳақда аэропорт маъмуриятига мурожаат қилган.

Аэропорт хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида бу жиноят «иссиги»да фош этилди. Тергов чоғида айбдор жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплади. Қолаверса, Р.Жумаева унга нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилди. Бундан инобатга олган суд қонунчилигимизда бағрикенглик намунаси бўлган ярашув институтини қўллаб, айбдорни жазодан озод қилди. Салима Содикова ҳалоллик ва олижанобликнинг қадрини англаб етгани шубҳасиз.

Шерзод ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси катта терговчиси



«Ishonch» газетасининг шу йил 4 июль кунги сонида «Конституцияни ўқимаган раҳбарлар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақолага Андижон вилояти прокуратураси қуйидагича муносабат билдирди:

Конституцияни Энди ўқишади

Мақолага Андижон вилоятидаги давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мансабдор шахсларининг касба уюшма ташкилотлари фаолиятига аралашishi ҳолатлари баён этилган.

Аниқланишича, жорий йилнинг 10 июнь кунини Шахрихон тумани ҳокимининг ўринбосари Ж.Маматқодиров Шахрихон туманидаги Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси раиси Д.Эргашевнинг ҳаракатлари юзасидан Андижон вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига хат юборган. Унда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Шахрихон тумани кенгаши раиси Д.Эргашев туманда амалга оширилаётган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотларда қатнашишни рад этгани, шунингдек, уюшма билан боғлиқ мурожаатларни ўрганиш давомида тегишли маълумотлар бермасдан келатгани сабабли, уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш масаласини ваколат доирасида кўриб чиқиш ҳақида мурожаат қилинган.

июнь кунини мамлакатимиз Конституциясининг 58-моддаси ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси талабларидан келиб чиқиб, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларининг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашishi, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўймаслиги ҳақида жавоб хати юборилган.

Бундан ташқари, туман-шаҳар кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига туман, шаҳар ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан сайланиши ва лавозимдан озод қилиниши талабидан келиб чиқиб, бу масала Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Шахрихон тумани кенгаши томонидан кўриб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

Балкичи ва Ҳўжабод туманлари ҳокимликларининг хатларига ҳам бирлашма томонидан қайд қилинган қонун талабларидан келиб чиқиб, тегишли жавоб хатлари берилган.

«Ishonch»га жавоб берадилар

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси

Яқинда Андижон вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси номига Шахрихон тумани ҳокимининг ўринбосари Ж.Маматқодиров имзоси билан икки энди хат келди.

Конституцияни ўқимаган раҳбарлар

Унда ёзилишича, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмасининг туман кенгаши раиси Д.Эргашев ҳокимлик томонидан берилган қонуний таълимнинг бош тартиб келадиган замири ҳақида кенгаши раиснинг хатини-ҳаракатлари «хат қанди» алоҳида таъкидланди. Шу сабаб ҳоким ўринбосари Д.Эргашевни лавозимдан озод қилиш масаласини (7) ишларни амалга оширишни сўраб, агар тегишли чора кўрилмаса, юқори идораларга мурожаат этишларини ташкил қилиш.

Афтидан, ҳоким ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқимаган ёки ўқиса-да, тушунмайди! У томондан имзоланган мазкур хат, ҳар қандай шундай фикр уйғотгани кўришда.

Мана, Бош Қўмитанинг 58-моддасида нима дейилган: «Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашishi, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди».

Мақолада қайд этилган ҳолатларни ўрганиш давомида касба уюшмаси фаолиятига аралашishi ёки бошқа ноқонуний талаблар қўйилаётгани ҳолатлари аниқланмади.

Шу билан бирга, туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Маматқодировга келгусида мамлакатимиз Конституцияси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида фаолият юритиши лозимлиги ҳусусида тушунтириш берилди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари
Ф.Раҳмонов

Аукцион савдолари хабарномаси!

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига «NEFTGAZQURILISHTA» АЖнинг 16.05.2019 йилдаги 6/AP-232-сонли буюртма хатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA» АЖга қарашли «4-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидида, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Амрибод қўргони ҳудудидан 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2474,9 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 516 292 000 (бир миллиард беш юз ўн олти миллион икки юз тўқсон икки минг) сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинади.

2019 йил 24 сентябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2019 йил 1 октябрь ва 8 октябрь кунлари ўтказилади.

нидан расмий иш қуллари – 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 23 сентябрь кунини соат қадар, 2019 йил 1 октябрь кунини соат 10:00дан 16:00га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик)

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларида ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси»

билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашади;

– жисмоний шахслардан паспорт нусخаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун рекузитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, АТБ «Турон банк»нинг Бухоро вилояти филиали, СТИР: 302118823, МФО: 00111, х/р: 20208000704953182001.

«Аукцион ташкилотчиси» – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават).
Tel.: +998 90 298-92-61. E-mail: mauzatak@mail.ru
Лицензия № RR-0117

Эълонлар

1 Фаолият асосини эзуликлар билан соҳаватли ишлар ташкил этишда касаба уюшма ташкилотлари аъзолари шу кун байрамга айланган кетган меҳнат тadbирларида бош-қош бўлиши. Эҳтиём-манд ва ижтимоий кўмакка муҳтож инсонлар яшайдиган кўрғонлар фаолларнинг мўлжалидаги манзилларга айланган.

Андижон вилоятида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳаширида қалб амри билан иштирок этган юртдошларимиз сони 1 миллион 110 минг нафардан зиёд ташкил этди.

Тadbирлар давомида умумий ҳисобда 3 минг 33 гектардан ортиқ майдон ораста ҳолга келтирилиб, салкам 4 минг тоннага яқин маиший чиқинди махсус техникалар ёрдамида белгиланган ҳудудларга ташиб кетилди. 756 та оиланинг уй-жойлари кўпчиликнинг ёрдами билан тазмирдан чиқарилди. Шу билан бирга, 1 минг 277 нафар эҳтиёмманд, имконияти чекланган оила вакиллари ҳамда ёлғиз қарияларга 557 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Балиқчи, Бўё, Пахтабод туманлари кенгашилари ҳамда Андижон туманидаги «Янгиобод», Кўргонтёпа туманидаги «Мазмуробод» ҳамда «Ободон» маҳаллаларининг маъмурий бинолари тантанали тарзда очилди.

Бухоро вилоятида ҳашар давомида 1102 гектарга яқин майдон 2,3 минг тонна маиший чиқиндидан тозаланиб, ораста кўринишга келтирилди. Бунда 601 минг 300 нафар киши, жумладан, 383 минг нафардан ортиқ ёш йигит-қизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тadbирлар давомида кам таъминланган, ижтимоий ҳиммага муҳтож 317 оиланинг уйи таъмирланиб, 551 та эҳтиёмманд хонадонга моддий ёрдам берилди. Қолаверса, маиший ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган 70 та объект фойдаланишга топширилди.

Айниқса, Бухоро тумани марказидаги «Галасиё» маҳалласида амалга оширилган ишлар барчага ибрат бўлди. Хусусан, икки кун ичида бу масканинг қиёфаси кескин ўзгарди. Биноларнинг фасад қисми оқланиб, томлари таъмирланди. Мазкур ободончилик тadbирларида етти юз киши қатнашиб, йигирмадан ортиқ техника кучидан фойдаланилди.

Жиззах вилояти. Умумхалқ хайрия ҳаширида жижзахликлар ҳам юқори кайфият ва катта уюшқоқлик билан иштирок этишди.

Ҳашарда 796 минг 981 нафар аҳоли, жумладан, 519 минг 284 нафар ёшлар қатнашди. Шу кунлари 1 минг 367 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 650 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. 138

та зиёратгоҳ, 488 та қабристон тартибга келтирилди. 1 минг 642 тонна чиқинди чиқариб ташланди.

Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг турар жойларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Эҳтиёмманд, кўмакка муҳтож оилаларга 26 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Қашқадарё вилояти. Ҳашарда 440 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси иштирок этди. Шу кунлари 300 нафарга яқин

бошлайди Навоий шаҳридаги «Ватан» маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Хурлико ая Омонова. – Қаранг, маҳалламиз атрофи ободонлашиб, кўркам қиёфага кирди. Бундан барчанинг дили яйрайди.

Наманган вилояти. Ҳашар кунлари кўчалар, ариқлар тозаланди. Қабристонлар тартибга келтирилди. Мустақиллик арафасида бўлгани учун янги объектлар, ишлаб чиқариш корхоналарини фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор берилди.

5270 тонна маиший чиқинди олиб чиқилди.

– Умумхалқ хайрия ҳашири доирасида вилоят бўйича 3263 та ёрдамга муҳтожлар хонадонига таъмирлаш ишлари бажарилди, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Ориф Мизамов. – 1448 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Сирдарё вилояти. Эзулик

Тошкент вилояти. Умумий ҳисобда 1 миллион нафарга яқин киши ҳашарга ўз ҳиссасини қўшди. Жойларда кенг кўламда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди.

Қадимий удумларимизга кўра, ҳашар жараёнида эътиборга муҳтож инсонларнинг ҳолидан ҳам хабар олинди. 114 нафар кекса, ёлғиз қария ва ногиронлиги бўлган юртдошимизнинг хонадони маҳаллий ҳокимлик, ҳомийлар ва кенг жамоатчилик кўмагида таъмирдан чиқарилди. Уларга ҳар жиҳатдан кўмак берилди. Бундан ташқари, вилоятнинг турли ҳудудларидаги 978 та қабристон ва 29 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Умумхалқ ҳашарига 900 тага яқин техника воситаси жалб этилди.

Фарғона вилояти. Халқимизнинг азалий удуми бўлган тadbирда 1 миллион 300 минг нафарга яқин фарғоналиклар иштирок этди. Ҳашар давомида 5530 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди.

Бундан ташқари, ҳашар доирасида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳудудлари ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланди.

– Икки кун давом этган ҳашарда «Чимён» санаторийсининг 28 гектардан иборат ҳудудда ободонлаштирилди. Сихаттоғ ҳудудидан оқиб ўтувчи сой қирғоқлари турли чиқиндилардан тозаланди, – дейди санаторий директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазоқат Боймирзаева.

Хоразм вилояти. 660 минг нафардан зиёд ҳашарчи кўмагида 2265 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1353 километрлик ариқ ва лотоклар тозаланди. 598 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди. 1000 га яқин эҳтиёмманд оиланинг уй-жойлари таъмирланди.

– Тadbирларда касаба уюшмалари ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳам фаол иштирок этишди, – дейди Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Қарамон Машарипов. – Мақсадимиз, юрт ободлигига ҳисса қўшиш, истиқлол айёмининг ҳар бир жамоада, хонадонда кенг тантана қилинишига эришиш, эзу аъёна ва қадриятлар бардавомлигини таъминлашдир.

Эзулик барқ урган ушбу удумимизда юртимизни янада обод, файзли ва кўркам этиш, эл фаровонлигини юксалтиришдек эзу гоё йўлидаги сазй-ҳаракатлар намоён бўлди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди



Табиат музейи ҳақида биласизми?

Юртимизда 143 йиллик тарихга эга музей борлиги ҳақида эшитганмисиз? Бу музейда нодир буюмлар сақланишини биласизми?

Албатта, гап Ўзбекистон давлат табиат музейи ҳақида бораётганини кўпчилик англади. Мазкур музей кўзгуси Марказий Осиёнинг дастлабки йирик исломий-маърифий муассасаларидан бири ҳисобланади. У табиатшунослик, антропология ва этнография билан қизиқувчилар ташаббуси билан 1876 йил 12 июлда ташкил топган.



Музей бой илмий захирага эга. Унда геология, ботаника, зоология ва антропология коллекциялари мавжуд. Захира материаллари музейнинг экспозицияларини тузиш ва тўлдирishга хизмат қилади. Улар музей ташкил толган вақтдан буён ўтган давр мобайнида йиғилган ва асосан республикамизнинг турли ҳудудларига уюштирилган бир қатор экспедициялар натижасида келтирилган кўп миқдордаги тўпламлардан иборат. Музейда 350 000 тадан ортиқ ҳашоратлар намунаси бўлган Марказий Осиёдаги энг катта энтомология коллекцияси мавжуд. Бундан ташқари, 1918 йилда А.Мель томонидан музейга инъом қилинган 1290 та намунадан иборат бўлган тропик капалаклар коллекцияси ҳам катта аҳамиятга эга.

Зоология бўлимида 4 мингдан ортиқ ҳайвонларнинг ноёб тулумлари сақланади. Геология бўлимида эса республикамизнинг турли конлардан келтирилган минерал ва фойдали қазилмаларнинг коллекцияси бор. Палеонтологик коллекцияларини асосан Қоратов тоғ ва Қизилқумдаги Итемир сойидан йиғилган намуналар ташкил этади. Булар балик, ҳашорат, ўсимлик баргларининг излари, тошга айланиб қолган даррах таналарининг бўлаклари, бошоёқли ва қориноёқли, моллюскаларнинг тошга айланган намуналари, динозаврнинг тошга айланган суякларидан иборатдир.

Музейга қўйилган экспонатларнинг ранг-баранглиги ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Шу сабабли бу ерга келувчилар сони ортиб бормоқда.

Умида ўРМОНОВА, Ўзбекистон давлат табиат музейи мутахассиси

Дахлдорлик туйғуси билан...

боқувчисини йўқотган, кам таъминланган фуқароларнинг уй-жойларида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Яккабў туманида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳда ҳам ходимлар ҳашарда фаол қатнашди. Оромгоҳ



нинг 27 гектарлик ҳудудидан турли чиқиндилар олиниб, даракларга шакл берилди. 200 метр сув йўли, ариқлар тозаланди.

Қарши муҳандислик иқтисодий институтига эса янги ўқув йили олтидан ўзгача кўтаринкилик ҳукмрон. Институт ҳудуди, талабалар турар жойларида ободонлаштириш ва таъмирлаш жараёни қизғин давом этмоқда.

Навоий вилояти. Ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашири давомида 684 минг нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Ҳашар кунлари 216 та оиланинг уй-жойи ҳашар йўли билан таъмирланди. 939 та эҳтиёмманд оила, шундан 255 нафар ногирон ва ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олинди.

– Ҳашар қилдим – уй қурдим, унда ҳикмат кўп кўрдим, – дея гап

– Истиқлол байрамига ҳудудни озода ҳолатда тайёрлаш билан бир қаторда, эътиборга муҳтожларнинг кўнглини олишга ҳам эътибор қаратдик, – дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташкилий ишлар бўлими мудири Нодира Мамаюсупова. – Фахрийларни йўқладик. Байрамни нафақат атроф, балки кўнглини ҳам обод этган ҳолда қарши олишга интиломқдамиз.

Самарқанд вилояти. Шу кунги ҳашар ва қишлоқлар ободлиги, кўча ва хиёбонлар орасталигига яна бир қўр назар ташланди. Ҳашарда 1 миллион 747 минг 636 нафар аҳоли вакиллари иштирок этиб, 2592 гектар ҳудудни эгалловчи майдонда кўкаламзорлаштириш, ободончилик юмушларини бажаришди. Ҳудудлардан 1709 та техника воситаси ёрдамида

аъёнасида 364 минг 704 нафар юртдошимиз қатнашди, шунинг 220 минг 257 нафарини ёшлар ташкил этди.

Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан вилоятнинг 1292 гектар майдонига ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳашар давомида 1609,1 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 744,8 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 162 та қабристон тартибга келтирилди.

Ҳар йилги аъёнага кўра, бу галги хайрия ҳаширида ҳам кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга кўрсатилган меҳр-муруват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлди. Хайрия ҳашири кунларида 103 та эҳтиёмманд оиланинг уй-жойлари таъмирланди.

Сурхондарё вилояти. Ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида сурхондарёликлар ҳам фаол иштирок этди. Эзу аъёна давомида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, маъмурий ва кўп қаватли бинолар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ободонлаштирилди. Спорт майдончалари тартибга келтирилди.

Танишув



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Мижозлар мамнунлиги – устувор тамойил

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этган медиа-турда журналистлар банк мижозлари фаолияти билан танишди

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ МАДАДКОРИ
Иштирокчилар дастлаб Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «GOLDEN STYLE CERAMICS» масъулияти чекланган жамиятида бўлишди. Корхонада керамикадан сантехника маҳсулотлари ишлаб

чиқарилади. – Фаолият бошладан олдин бозорни чуқур ўргандик, – дейди корхона раҳбари Нурилла Маҳмудов. – Унда сантехника анжомларига талаб катта эди. Хомашё ўзимизда бўлса, аммо нега маҳсулотни хориждан олиб келиш керак? Изландик, ўргандик, тажриба оширдик. Ишни бошлаш учун «Миллий банк»дан салкам 700 минг АҚШ доллари кредит олдик. Бугун ишимиз яхши. Хомашё юртимизда бор, хорижга ишимиз тушмайди. 25 нафар ходим билан 20 турдаги маҳсулотни тайёрлапмиз. Тadbиркор журналистлар билан мулоқот

чоғида соҳада иш юритишининг ўзига хосликлари, бозорни ўрганиш, хомашё сифатини ошириш устида мунтазам ишлаш каби жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтди.

– Истиқболда банкдан яна кредит олиб, хориждан янги технология келтирмоқчимиз, – дейди у. – Шунда ишлаб чиқариш ва аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичи ҳам икки баробарга ошди. Келгусида Италия билан ҳамкорликда маҳсулотнинг янги дизайни асосидаги кўринишларини ҳам ишлаб чиқариш арафасида турибмиз. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича битимлар имзоламоқчимиз.

МИНИБАНКНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда «Миллий банк»нинг Тошкент шаҳрида 6 та аҳолига хизмат кўрсатиш маркази бор. «Саёҳат» – ана шулардан бири. Чилонзор туманида жойлашган, очилганига

энди бир ойгина бўлган мазкур марказда аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжуд. Айни вақтда марказда кунига 60-70 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда.

– Келгусида бундай марказларни янада кўпайтириш мақсад қилинган, – дейди «Миллий банк» матбуот хизмати раҳбари Мавлуда Асқархўжаева. – Мақсад, халқ ҳузурига бориш. Чунки ҳар ким ҳам имкон топиб, банкнинг бош офисига келолмайди. Шундай экан, банк уларнинг ҳузурига бориб, оғирини енгил қилиш ҳаракатида.

Журналистлар минибанк фаолиятдан мижозлар мамнунлиги, коммунал тўловлар масаласида ҳам аҳоли бажонидил муросаат қилатганини кўриб, бундай марказлар ҳар жиҳатдан фойдалилигига амин бўлишди.

Медиа-тур давомида иштирокчилар «Миллий банк» тизимидаги янгиликлар, аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар билан батафсил танишишди.

Аҳолига қўлай хизмат турларини яратиш



йўлида изланаётган банк ходимларидан мижозлар мамнун. Бу эса энг асосий ютуқдир.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»